

10-10-2019

## THE CONTENT OF VOCATIONAL GUIDANCE IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE TO THE 7-9 GRADE STUDENTS IN SECONDARY SCHOOLS

Khabibullo Meliyev  
*researcher in Namangan State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Meliyev, Khabibullo (2019) "THE CONTENT OF VOCATIONAL GUIDANCE IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE TO THE 7-9 GRADE STUDENTS IN SECONDARY SCHOOLS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 62.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/62>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

## THE CONTENT OF VOCATIONAL GUIDANCE IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE TO THE 7-9 GRADE STUDENTS IN SECONDARY SCHOOLS

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## УМУМИТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ 7-9 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ВОСИТАСИДА КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ МАЗМУНИ

Хабибулло Мелиев, Наманган давлат университети мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада умумтаълим мактабларининг 7-9 ўқувчиларини инглиз тили ўргатиш жараёнида касб-хунарга йўналтиришнинг мазмунини белгилаш масалалари эътироф этилган.

**Калит сўзлар:** Таълим, тарбия, таълим мақсади, таълим мазмуни, ўрганиш, ўргатиш, нутқ малакалари, нутқ мавзулари, тил материали.

## THE CONTENT OF VOCATIONAL GUIDANCE IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE TO THE 7-9 GRADE STUDENTS IN SECONDARY SCHOOLS

Khabibullo Meliyev, researcher in Namangan State University

**Abstract:** In this article, it is given information on the importance of vocational guidance in the teaching of English language to 7-9 students of secondary schools.

**Keywords:** Education, upbringing, learning objectives, learning content, learning, teaching, speaking skills, speech topics, language material.

## СУЩНОСТЬ ЗНАЧЕНИЯ ПРОФОРИЕНТАЦИОННОЙ РАБОТЫ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ УЧАЩИХСЯ 7-9 КЛАССОВ СРЕДНИХ ШКОЛ

Мелиев Хабибулло, исследователь Наманганского государственного университета

**Аннотация:** Эта статья посвящена проблеме определения сущности значения профориентационной работы в процессе обучения английскому языку учащихся 7-9 классов средних школ.

**Ключевые слова:** Образование, цели обучения, учебный контент, обучение, преподавание, разговорные навыки, речевые темы, языковые материалы.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар педагогика фанининг ривожланишини таъминлаш билан биргаликда ушбу фанда долзарб ҳисобланувчи вазифалардан бири касб-хунарга йўналтиришнинг тарихи, назарияси ва амалиётининг муносиб шаклланишига олиб келди. Ушбу муаммонинг ўз назарий ва амалий томонлари, тарихий манбалари мавжуд бўлиб, тадқиқотчилар томонидан изчил ўрганиб келинмоқда. Р. Ҳ. Жўраев, Ў. Қ. Толипов, Ш. С. Шарипов каби педагог олимлар томонидан ишлаб чиқилган узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтирилишнинг илмий-педагогик асосларида ушбу вазифани амалга оширишнинг мазмуни ҳақида муҳим фикрлар эътироф этилган [2;8]. Мазкур масалани инглиз тили дарслари жараёнида ҳал этилиши бир неча омилларга боғлиқ.

Инглиз тили воситасида касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш ва унинг мазмунини белгилашда таълим ва тарбиянинг мақсадини ойдинлаштириш

муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда инглиз тили воситасида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этишда 2 хил мақсад мавжуд.

1. Таълимий мақсад (ўқувчиларга касб-ҳунар мавзусидаги билимлар бериш).

2. Тарбиявий мақсад (тизимли таъсир кўрсатиш воситасида ўқувчиларда меҳнат қилишга ижобий муносабатни шакллантириш ва касб-ҳунарга йўналтириш).

Ушбу икки мақсад замонавий таълимда ўзаро боғлиқликда амалга оширилиши, ўқувчи ёшларни комил инсон сифатида шаклланишини таъминловчи педагогик далиллардан биридир. Демак, инглиз тили воситасида касб-ҳунарга йўналтириш учун олиб бориладиган таълимнинг мазмуни бевосита ўқитиш мақсадларига узвий боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

Шунингдек, мазмун ўқув жараёнида ўзлаштириладиган педагогик ходиса ҳисобланиб, унинг маҳсули эришилиши зарур бўлган мақсад сари олиб боради. Ушбу ишларни тўғри ташкил этиш мақсадида энг аввало ўқитиш мазмунининг таркибий қисмларини аниқлаб олиниши тақозо этилади.

Таълим мазмунини белгилашда ернинг бизнинг кўзимиз билан қараганда қанчалар катта эканлиги ва астраномик кўз билан қараганда қанчалар кичик эканлиги каби ўқувчилар учун энг катта ўрганиш ва ўқитувчи учун энг кичик бўлган ўргатиш материални кўзда тутиш муҳимдир. Ушбу фикримизга Абу Наср Фаробий томонидан «*Ер юзи фалакка қўйилган нуқтадир*» деб баҳо берилишини эслаш kifоядир. Демак, инглиз тили воситасида касб-ҳунарга йўналтириш учун бериладиган ўқув материали ўқувчи томонидан «кўп» ва ўқитувчи томонидан «оз» дея баҳоланмаслиги, унинг қанчалар оқилона танланганлигини кўрсатиб турувчи мезон ҳисобланади. Инглиз тили воситасида касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида олиб бориладиган таълимнинг мазмунини белгилашда ўқувчилар ўзлаштириш хусусиятларини эътиборга олиб танлаш, таснифлаш, тақсимлаш ва ўргатиш учун тақдим этиш билан биргаликда касбий тарбия тамойилларига эътибор қаратиш ҳам алоҳида ўрин тутади.

Таълимнинг мазмуни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизимидир [1,3]. Ўқувчи илмий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиради, дунёқараши, ахлоқи шаклланади, ҳаётга, меҳнатга тайёрланади. Таълим мазмунига инсоният тўплаган барча ижтимоий тажрибалар киради [4]. Унинг мазмуни, хажми, ижтимоий тузумнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан-техника тараққиёти даражаси билан белгиланади. Яъни унинг мазмунига табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури ҳақидаги билимлар, ҳозирги замон фани, техникаси, маданияти, ишлаб-чиқаришдаги янгиликлар киритилади. Таълимнинг мазмуни ўзгарувчан, у доимо янгиланиб туради.

Бизнингча, инглиз тили воситасида касб-ҳунарга йўналтиришнинг мазмунини шартли равишда қуйидагидек уч қисмдан иборат деб белгиладик:

**I. Нутқ мавзулари.** Инглиз тили воситасида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш мақсадида мавзулар касбий тарбия босқичларига мувофиқ танланади. Ўрта мактаб дастурларига мавзу танлашда, аввало, педагогик ва методик мезонларга таяниб иш кўрилади. Ушбу муаммони инглиз тили дарсларида ҳал

этилганлиги боис, аввало унинг методик томонлари ҳисобга олиниши, сўнг уни педагогик тарбия мезонларига мослаштирилиши ушбу мақсадга эришишнинг самарали бўлишини таъминлайди. Инглиз тили дарслари учун танланадиган касб-хунар ҳақидаги суҳбат мавзулари танланишида, аввало унинг атрофида бирга яшовчи (оила-аъзолари, қариндошлари, қўшнилари) шахсларнинг касб-хунарлари ҳақида ахборот олиши ва бериши кўзда тутилиши, сонинан ўз қишлоғи ва шаҳри миқёсида сўнг ўз Ватани ва тили ўрганилаётган мамлакат миқёсидаги ахборотлар тақдим этилиши лозим. Ушбу масала инглиз таълимида қуйидагича амалга оширилиши мумкин.

1. Ўқувчилар ва оила-аъзоларининг касб-хунарга бўлган муносабати.
2. Қишлоқ ва шаҳардаги ўқувчилар таниган ва машҳур касб-хунар эгалари ҳақида суҳбат.
3. Худуди, Ватани ва тили ўрганилаётган мамлакатда мавжуд бўлган касб-хунар, уларга қўйилган талаблар, уларга эришиш йўллари ва макони ҳақида маълумот бериш.

Ушбу мавзулар танланишида қуйидаги педагогик мезонлар асосий ролни бошқаради.

I. 1. Лингвистик мезонлар: а) тил билмаслик-мавзу тушунарли, б) оғзаки нутқ мавзуларига кенг ўрин берилганлик, в) тинглаб тушуниш учун ўқиш мавзулари киритилганлиги, г) гапириш мавзуларини ёзув учун тегишлилиги, д) матнлар мазмунини оғзаки нутқ малакари орқали текшириш, е) нутқ мавзулари билан бирга нутқ вазиятлари танланиши з) мавзу ва нутқ вазияти воситасида ахборотни олдиндан белгиланганлиги, к) касб-хунар ҳақидаги мавзулар нутқ фаолияти турларига қараб танланганлиги, л) ахборот мавзуларнинг ички томонини ташкил этиши.

Ушбу мезонлар асосида танланган мавзулар мактаб ўқувчиларига аввало касб-хунар ҳақида ахборот беришни кўзда тутди, зотан дидактик маълумотларга кўра ўқитиш муайян ҳажмдаги ахборотни етказиш демакдир. Шу мақсадда касб-хунар ҳақидаги мавзулар танланишида ўқувчилар томонидан ахборот олиниши ва берилиши кўзда тутилиб, уларни методик таснифлаш тақозо этилади. Инглиз тили таълимида касб-хунар ҳақидаги мавзулар танлашнинг уч асосий мезонига таяниб иш кўрилиши мумкин.

а) Илмийлик. Касб-хунар ҳақидаги билимлар илмий далилларга асосланиб етказилиши лозим.

б) Етарлилик. Ушбу мезон ўқитиш мақсадидан келиб чиқиб, у мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш учун кифоя қилмоғи, касб-хунар мавзусидаги турли нутқ вазиятларини қамраб олиши керак.

в) Тарбиявий элементлар мавжудлиги. Ўтиладиган мавзулар моҳиятан тарбиявий таъсирга эга бўлиши ва мактаб ўқувчиларида касб-хунар эгаллашга алоқадор ички туртки уйғотиши зарур.

Ҳозирги кунда мактаб таълимида инглиз тили ўқув материални касб-хунарга йўналтириш ишларига мувофиқ танлаш, таснифлаш, тақсимлаш ва тақдимот босқичлари билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни амалиётга

жорий этиш республикада олиб борилаётган таълимий ислохотларнинг янада самаралироқ бўлишини таъминлаши шубҳасиздир.

Инглиз тили воситасида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этишда уларга ўргатиладиган мавзуларга оид матнлар муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларни касб-хунарга бўлган муносабатларини шакллантириш мақсадларига кўра дарслик матнларини шартли равишда уч турга бўлиниши мумкин:

- а) Қизиқиш уйғотувчи
- б) Маълумот берувчи
- в) Маълумот кенгайтирувчи-йўналтирувчи.

Биринчи тур матнлар ўзларида касб-хунар ҳақида маълумотлар, қизиқарли воқеа ва ташрифлар, машҳур касб эгалари, муайян касб-хунар танлаган тенгдошлари фаолияти ва интилишлари кабиларни акс эттиради.

Инглиз тили воситасида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари жуда кенг кўламда ва узок вақт олиб борилиши кўзда тутган ҳолда, уни дастурга босқичма-босқич жойлаштириш талаб қилинади. Тадқиқот жараёнида ўқув ва тарбиявий мақсадда касб-хунар ҳақидаги мавзуларни 7-9 синф дастурига қуйидаги тартибда жойлаштиришни лозим деб билдик.

- 7-синф дастурига қизиқтирувчи (ўқиш малакасини шакллантирувчи мавзулар);
- 8-синф дастурига кенгайтирувчи (ўқиш ва ёзув малакасини ўргатишга доир мавзулар);
- 9-синф дастурига йўналтирувчи (ўқиш, ёзиш, гапиришни мақсад қилинган мавзулар).

I. 2. Қулай ўқитиш шароити мавжудлиги. Ушбу мезон берилган ахборотларни ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилишини кўзда тутлади. Ўқувчилар сонининг озроқ бўлиши ҳар бир ўқувчининг касб-хунар ҳақидаги фикрларини синчиклаб ўрганиш имконини бергани ҳолда, касб-хунар ҳақида мавзулар кўпроқ жойлаштирилиши талаб этилади. Масалан, ўрта мактаб инглиз тили дарсликларида фақат 9-синф ўқувчиларига мўлжалланган дарсликлардагина касб ҳақида “Касблар” мавзуси берилган бўлиб, бу ҳолат касб-хунар ҳақидаги ахборотни фақат шу мавзу юзасидангина тақдим этилишини кўзда тутмайди.

I. 3. Ўзлаштиришнинг рецептив ва репродуктив хусусиятларини ҳисобга олиш. Бундан келиб чиқиб касб-хунарга йўналтириш мақсадида мавзулар актив ва пассив даражадаги ахборот берувчи мавзуларга ажратилади.

Уларни гуруҳга ажратишда қуйидаги педагогик омиллар асосий рол ўйнайди:

- 1) Касб-хунар ҳақидаги асосий ғоялар сингдирилиши;
- 2) Касбий тарбия босқичларига мосланиши;
- 3) Ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси ҳисобга олиниши;
- 4) Ёши ҳисобга олиниши;
- 5) Матнлар мазмуни касб-хунар эгаларига ҳурмат уйғотиши;
- 6) Оғзаки нутқ мавзулари мазмуни хунарсиз кишиларга нисбатан салбий-танқидий фикр уйғотиши.

II. Нутқ малакалари. Ушбу ибора чет тилда нутқ фаолияти турларини қай даражада ўзлаштирилганлигини кўрсатиб турувчи мезон ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб нутқ малакаларини эгаллашга қўйиладиган талаблар турли ёшдаги

мактаб ўқувчилари учун фарқли кўрсаткичда бўлиши муқаррардир. Масалан: 7-синф ўқувчилари учун кўпроқ касб-хунар ҳақидаги ахборотлар ўқишни ўргатишга доир мавзулар орқали тақдим этилиши мумкин.

Уларга қўйиладиган талаблар эса тинглаб тушунишни ҳам ўз ичига олади.

8-синф ўқувчиларига бериладиган ахборотлар ўқиш ва гапириш мавзулари орқали тақдим этилади. Бунда касб-хунар мавзуси юзасидан тинглаб тушуниш ва ёзиш талаблари қўйилади.

9-синф ўқувчиларига нисбатан кенгроқ талаб қўйилади. Улардан касб-хунарга оид мавзулар доирасида танлаб олинган тил материални ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, нутқ вазиятларида қўллаш, ўқитувчи ёки техник воситалар ёрдамида эшиттирилган матнни тушуна олиш ва унинг мазмунини сўзлаб бериш талаб этилади.

Ушбу талаблар бажарилиши сабаб категорияси сифатида намоён бўлса, ўқувчиларнинг телевидение ва матбуот орқали берилаётган касб-хунар ҳақидаги маълумотлар билан мустақил равишда танишиши ва шунга мос равишда фаолият юритиши оқибат бўлиши мумкин. Касб-хунар ҳақидаги янги сўзлар ўзлаштирилиши, уларни қўллаш қоидалари, грамматик, фонетик қирралари билан танишиш бирламчи малака кўринишидан кўникма, сўнг малака кўринишига кўтарилиб боради.

**III.** Тил материали. Лексика, грамматика ва талаффуз ўқитиш мазмунининг асосий қисмларидан бўлмиш тил материалининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Дарслиқда тақдим этилиши лозим бўлган тил материали танланиш ва таснифланишни тақазо этади. Шу мақсадда 7-9 синф ўқувчилари учун мўлжаллаган инглиз тили дарслиқларида лексик ва грамматик минимум аниқ ифодаланади. Хусусан касб-хунар ҳақидаги лексик бирликлар ҳам касб-хунарга йўналтириш мақсадидан келиб чиқиб, таснифланиши ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва физиологик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилиши талаб этилади. Шу мақсадда касб-хунар ҳақидаги лексик бирликлар ўқувчиларга ўргатиш мақсадида 7-9 синф дастурларига қуйидаги тартибда жойлаштирилиши мумкин.

Синф	Мавзулар доираси	Лексик бирликлар	Ҳосил қилинадиган малакалар
7	Касб-хунар номлари, оила аъзоларининг касб-хунарлари	A teacher, a driver, a carpenter	Тўғри ва ифодали ўқиш
8	Касб-хунар номлари, шахсларнинг касб-хунарга қизиқишлари, касб-хунар эгаларининг ҳаёти	A doctor, an actor, appreciate, work, want	Матнни ўқиш ва маълумот олиш
9	Касб-хунар номлари, эгалари ва уларга қўйиладиган талаблари, касб-хунар ўргатувчи муассасалар, жамият.	creative, high, clever, honest, workaholic	Ўқиш, матндан маълумот олиш, ахборот бериш ва муносабат билдириш

Инглиз тили ўқитиш жараёнида касб-хунар ҳақидаги ахборотларни янада мукамал ва қизиқарли ҳолда етказиш учун таълим мазмуни билан биргаликда таълимнинг ташкилий шакллари ҳам ижодий ёндашиш талаб этилади. Тадқиқот жараёнида касб-хунар ҳақида таълим ва тарбия бериш мақсадида унинг турли шакллари воситасида маълумотлар етказилди.

#### **References:**

1. Saidaliyev S. S. Chet tili o'qitish metodikasidan ocherklar (O'qituvchi va talabalar uchun qo'llanma) "Namangan" 2004
2. Jo'raev R. H. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilarni kasbga yo'naltirishning metodologik asoslari. Kasb-hunarga yo'naltirish nazariyasi va amaliyoti //Maktab va hayot.
3. Jalolov J. J. CHet tili o'qitish metodikasi. CHet tillar oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik Toshkent "O'qituvchi" 2012
4. Baranov S.P., Bolotina L.R, Slastenin V.A. Pedagogika. M.: "Prosveshenie" , 1981. – 367 s.